

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2020

www.psixologiyabuxdu.uz





PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

4-son 2020-yil. * Выпуск 4. 2020 год.

BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
BAROTOV SH. R.

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии
Психологических Наук

**TAHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ
КОЛЛЕГИЯ:**

XAMODOVO.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

SHOUMAROV G.^B.

(Bosh muharrir o'rbinbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.

(Bosh muharrir o'rbinbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOZLOV V.V. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

MALI'X S.B.(Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOROBENYNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor

KARIMOVA V.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

SAFOYEV N.S.

psixologiya fanlari doktori, professor

G' OZIYEV E.G^.

psixologiya fanlari doktori, professor

BEKMURODOV M.B.

sotsiologiya fanlari doktori, professor

QODIROV B.R.

psixologiya fanlari doktori, professor

JABBOROV A.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

NISHONOVA Z.T.

psixologiya fanlari doktori, professor

IBODULLAYEV Z.R.

tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

falsafa fanlari doktori, professor

ABDURAXMANOV F.R.

Falsafafanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

psixologiya fanlari doktori, professor

QAHHOROV O.S. BuxDU ilmiy ishlar

va innovatsiyalar bo'yicha prorektori.

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa

doktori (PhD).

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N.–psixol.fan.nom., dot.

Muxtorov E.M.– psixol.fan.nom., dot.

Barotova D.Sh.–psixol.fan.nom., dot.

Raxmatova M.M.– filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD),, dot.

TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

РЕДАКТОРЫ:

Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh,

Rustamov Sh.Sh.

MAS'UL KOTIB – OTB.

CEKPETAPЬ

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD).

**Мундарижса/Содержание/Contents**

	Шоумаров Г.Б., Кадыров У.Д.
3	Психологические аспекты защиты молодёжи от влияния деструктивных идей Psychological aspects of protecting young people from the influence of destructive ideas
	Козлов В.В., Огнева И.В.
10	Кризисологическая феноменология пандемии Crisis phenomenology of the pandemic
	Самторов Э.Н.
17	Компетенциявий ёндашувнинг юзага келиши: вазият, талаблар, ўзига хослиги The occurrence of a competency approach: situation, requirements, specificity
	Мелибаева Р.Н., Абдиназарова И.С.
25	Тиббий психодиагностика: муаммо, мулоҳаза ва ечимлар Medical psychodiagnostics: problem, reasoning and solutions
	Халбаева Г.А.
30	Проблемы подготовки детей к школьному образованию в современной психологии Problems of preparing children for school education in modern psychology
	Атабекова К.Г.
38	Оптимизация «предстартового состояния» спортсменов-каратаистов с применением психокоррекционной помощи Optimization of the "pre-start state" of karate athletes with the use of psychocorrective assistance
	Жумаев У.С.
44	Глобаллашув шароитида оммавий маданиятнинг жамият ҳаётига таъсирини ижтимоий психологик тадқики Social psychological research on the impact of mass culture on the life of society in the context of globalization
	Мехлиев М.Х.
53	Курсантларни ёш жангчи курсида мослашуви ва психологик кузатиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари Adaptation of cadets in a young warrior course and peculiarities of psychological observation
	Содиқова Г.О.
58	Карор қабул қилиш муаммосининг психологик тадқикотларда қўлланилиши The application of decision making problem in psychological research
	Akbarov S.Y.
61	Shaxs ijtimoiylashuv jarayonlarining psixologik tavsifi Psychological description of individual socialization processes
	Сифаров Д.Х.
65	“Сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларига таъсир этувчи омиллар Factors affecting the interaction of the "seller-buyer" diad
	Бахромов О.Т., Абдурасасулов Р.
70	Ёш футболчиларни ютукка эришишда мотивациянинг аҳамияти The importance of motivation in the achievement of young players
	Обидова Г.К.
74	Инглиз тилини ўқитиши жараёнида экологик таълимнинг педагогик психологик имкониятлари Pedagogical psychological opportunities of environmental education in the process of teaching English
	Султонов У.Б.
81	Харбий фаолиятда касбий мотивлар намоён бўлишининг психологик ўзига хосликлари Psychological peculiarities of the manifestation of professional motives in military activity
	Тўрақулов Б.Н.
85	Талабалар эмоционал интеллектини тадқиқ этишининг психологик имкониятлари Psychological opportunities for students to study emotional intelligence
	Хакбердиев Н.С.
89	Кадрлар сиёсий маданият баркарорлигини таъминлаш зарурияти The need for ensuring the stability of political culture of personnel
	Шерматов Ф.Т.
93	Касбий зўрикишларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар Socio-psychological factors leading to occupational stress
	Рузиева Д.Н.
97	О влиянии социально-психологических факторов на качество деятельности преподавателей вуза



	On the influence of socio-psychological factors on the quality of University teachers' activities
101	Қаршиибоева Г.А. Ўсмирларда суицидал ҳулкни пайдо бўлишида ижтимоий функциялар бузилишининг психологик холатлари Psychological states of the violation of social functions in the emergence of suicidal behavior in adolescents
105	Худойбердиев И.Э., Қодиров С.С. Шахснинг йўналганлиги ва жамоавий психологик мухит Orientation of the individual and the collective psychological environment
110	Раджабова Ф.Р. Корхона ва ташкилотларда лидерлик компетенциясини ривожлантириш механизмлари Development of leadership competence in enterprises and organizations
115	Ражабова Ф.П. Вояга етмаганларнинг индивидуал–психологик ҳусусиятларни акс эттирувчи омиллар психодиагностикаси Psychodiagnostics of factors reflecting individual–psychological characteristics of minors
121	Музарифова Ф.Б. Ҳамкорликдаги таълим жараёнининг психологик йўналишлари Psychological aspects of the collaborative learning process
126	Сирлиев Б. Н. Ички ишлар органлари ходимларини касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда психологик хизмат ва унинг тутган ўрни Psychological service and its role in improving professional training of employees of internal affairs bodies
130	Абдуқажхорова Г.А. Ўсмирларда девиант ҳулк-автор муаммолини ўрганишнинг психологик масалалари Psychological issues of studying the problem of deviant behavior in adolescents ИЛМИЙ МУШОХАДА
135	Haydarov Y.H. Psixologiya va tarixiy xotira Psychology and historical memory
137	Облоқулов А.Р., Тиллоева Ш.Ш., Ачилова Д. Н., Элмурадова А.А. Пандемия шароитида тиббиёт ходимлари орасида юзага келган руҳий муаммоларни ўрганиш Investigation of the mental problems encountered among medical personnel in pandemic conditions МЕТОДИКА / METHOD
143	Ostanov Sh.Sh. "Ijodiy qobiliyatlarni baholash so‘rovnomasi" (E.E.Tunik)
	ХОТИРА
144	Убайдуллаев А.
145	Абдурахмонов Ф.Р.

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi
201/3-sonli qarori bilan psixologiya
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy
maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291





Жумаев Улугбек Сатторович,
Бухоро давлат университети "Психология" кафедраси доценти,
психология фанлари номзоди

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИНИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚИ

Аннотация: Этнопсихологик хусусиятлар ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан халқнинг бутун ўтмиши, ҳаёт тарзи ва тарихи билан боғланиб кетган бўлиб, бу хусусиятлар миллат шаклланмасдан аввалроқ вужудга кела бошлаган. Маълумки, миллат этник бирлик тараққиётининг энг юқори босқичида вужудга келади. Маданият инсон ҳаёти ва бирлигига боғлиқ тушунчадир. Кўп ҳолларда "Оммавий маданият" "маданият" тушунчасининг муқобили сифатида қўлланилади. Ушибу мақолада "Оммавий маданият" тушунчаси глобаллашув шароитида унинг инсоният жамиятига ижсабий ва салбий таъсирларининг ижтимоий психологик жиҳатлари тадқиқ қилиниб, маълум хуносалар қилинган.

Калим сўзлар: Этнопсихология, глобаллашув, маданият, оммавий маданият, ижтимоий психология, жамият.

Аннотации: Этнопсихологические особенности по своему происхождению связаны со всем прошлым, бытом и историей народа, которые начали проявляться еще до образования нации. Известно, что нация формируется на высшей стадии развития этнического единства. Культура - это понятие, зависящее от человеческой жизни и единства. Во многих случаях «массовая культура» используется как альтернатива понятию «культура». В связи с этим исследованы и сделаны выводы о понятии «массовая культура», социально-психологические аспекты ее положительного и отрицательного воздействия на человеческое общество в условиях глобализации.

Ключевые слова: этнопсихология, глобализм, культура, массовая культура, социальная психология, общество.

Annotation: Ethnopsychological features in their origin are associated with the entire past, life and history of the people, which began to manifest themselves even before the formation of the nation. It is known that a nation is formed at the highest stage of the development of ethnic unity. Culture is a concept that depends on human life and unity. In many cases, "popular culture" is used as an alternative to the concept of "culture". In this regard, the authors investigated and made conclusions about the concept of "mass culture", the socio-psychological aspects of its positive and negative impact on human society in the context of globalization.

Keywords: ethnopsychology, globalism, culture, mass culture, social psychology, society.

Мавзунинг долзарблиги. Аждодларимиз турли халқлар маданиятига, турмуш тарзига этибор билан қараган, ўзларидан мерос қолдирган ўлмас маънавий обидаларни турли тилларда яратишган. Ўтмишни, миллий қадриятларни билиш, донишманд халқимизнинг асрий анъана ва удумларини ўрганиш факат маърифий аҳамият қасб этиб қолмасдан шунингдек, тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Зоро, миллий заминда вояга етган ёшларда отабоболарининг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш, хурмат қилиш каби фазилатлар қарор топади.

Тадқиқотнинг мақсади. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатлардан юксала бориши жамият мустаҳкамлигининг асоси эканлигини, унга миллий ва диний қадриятлар ҳамда бошқа маданият вакилларининг турмуш тарзи таъсир даражасини илмий тадқиқ этишдан иборат.



Тадқиқот методикаси: Шахс тараққиёти ва унга ёндашув билан боғлиқ ижтимоий фаолиятни кузатиш, улар билан гурухий ижтимоийлашув ходисасидаги йўналганикни аниқлаш. Шунингдек, шахсда миллий қадриятлар шаклланиши бўйича установкаларни баҳолаш.

Тадқиқот обьекти: Ижтимоий гурухлар, хусусан талабаларда миллий қадриятлар ҳамда мағкуранинг шаклланиши шароитида унга таъсир этувчи турли (салбий ва ижобий) ижтимоий омиллар диагностикаси.

Этнопсихологик хусусиятлар ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан ҳалқнинг бутун ўтмиши, ҳаёт тарзи ва тарихи билан боғланиб кетган бўлиб, бу хусусиятлар миллат шаклланмасдан аввалрок вужудга кела бошлаган. Маълумки, миллат этник бирлик тараққиётининг энг юқори босқичида вужудга келади. Этнопсихологик хусусиятларнинг айрим белгилари кишилар бирлигининг ҳамма тарихий даврларига яъни уруғ, қабила, эллатларга ҳам хосдир. Этнопсихологик хусусиятлар тадқиқотчилар кўрсатганидек, факат бир омил - табиий муҳит таъсири билангина вужудга келиб қолмай, унинг вужудга келишида учта омил таъсири кўрсатади. Биринчи омил бу - сиёсий-иқтисодий ва жамият ҳаётида бўлаётган ижтимоий жараёнлар тизими бўлса, иккинчиси, шу этник бирлик яшаб турган табиий-географик муҳитнинг хусусиятлариdir. Учинчи омилга эса ҳалқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим тарихий ҳодиса ва воқеалар киради. Лекин шуни айтиш керакки, этнопсихологик хусусиятлар тизимида кишилар руҳиятининг мазмунини, аввало биринчи омил - сиёсий-иқтисодий, ўзгаришлар белгилаб беради. Табиий-географик омил эса асосан этнопсихологик қиёфанинг ташки ифодаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам бу омил кузатаётган киши назарига биринчи омилга қарагандা яққол намоён бўлади. Маълум бир миллат вакилларининг ўзига хос идрок этиши фикрлаши ва орзу-истакларини, яъни олий руҳий хусусиятларини тушуниш ва тушунтириш, унинг намоён бўлиш сабабларини организмнинг, миянинг тузилишидан эмас, балки юқорида айтганимиздек, ҳалқнинг тарихий тараққиёти, уни ўраб турган табиий муҳитнинг шарт-шароитларидан қидириш керак. Кўп сонли ижтимоий психологик экспериментларда машҳур психолог А.Р.Лурия кўп руҳий жараёнлар, айниқса, олий руҳий фаолият жараёнлари - тасаввур ва мавхумлаш, ижодий ҳаёл инсонларнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлмай, балки анча тараққий этган ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули эканлигини кўрсатиб берди.

Бугун биз тарихий бир даврда – ҳалқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинчосойиша ҳаёт кечираётган, аввало ўз куч ва имкониятига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз. Бу ютуқларнинг бардавомлиги давлатимизнинг нафакат сиёсий ва иқтисодий соҳада салоҳиятлилигига, балки ҳалқимизнинг маданияти ва турмуш тарзи нақадар юксак даражада эканлигига боғлиқ. Чунки, миллат ўзининг анъанавий, турли замон ва макон руҳиятига мос келадиган маданияти ва турмуш тарзига эга бўлиши унинг қанчалик қурдатли эканлигини кўрсатади. Зотан “Маданият нима”, “Ер юзидағи турли миллат ва элатлар қандай ҳаёт кечириш тарзига эга” каби саволларни ўрганиб чиқамиз. Маданият инсон ҳаёти ва бирлигига боғлиқ бўлган тушунчадир. Кўп ҳолларда “Оммавий маданият” “маданият” тушунчасининг муқобили сифатида қўлланилади. Шу ўринда, “Оммавий маданият” тушунчаси тўғрисида тўхталишдан илгари “маданият” атамаси ҳақида фикр билдириш жоиз. Энтони Гидденс бу ҳақида куйидагиларни айтади: “Маданият тушунчаси жамият тушунчаси сингари социологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан биридир. Маданият ўз ичига муайян гурухларга таалуқли бўлган қадриятларни, улар риоя этадиган меъёрларни, улар яратадиган моддий ноз-неъматларни қамраб олади. Қадриятлар мавхум идеаллар бўлса, меъёрлар одамлар риоя этадиган муайян қоида ва тамойиллардир. Меъёрлар жамиятдаги “мумкин” ва “мумкин эмаслар”дир”¹. Кундалик ҳаётда “маданият” атамасини қўллар эканмиз, онгнинг олий маҳсуллари бўлган санъат, адабиёт, мусиқа, рассомлик кабиларни назарда тутамиз. Умуман олганда маданият тушунчаси ижодий фаолиятнинг шу турларинигина эмас, яна бошка кўп ҳодисаларнинг қамраб олади. У ўз ичига кийиниш хусусиятлари, оилавий ҳаёт ва никоҳ маросимлари, меҳнат фаолияти ва диний русумлар, бўш вақтни қандай ўтказишил кабиларни ҳам қамраб олади. Унга яна одамлар томонидан яратилган ва муайян қадрият

¹ Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. Шарқ, 2002. – Б. 52.



хисобланадиган нарсалар: ўқ - ёй, омочлар, фабрика ва машиналар, компьютерлар, китоблар, уй-жойлар ҳам киради. “Маданият” тушунчаси жамиятдаги одамларнинг турмуш тарзи, урфодат ва расм-руслар, шунингдек, улар ишлаб чиқарадиган ноз-неъматларга алоқадор тушунчадир”¹.

Оммавий маданиятнинг қиёфаси қўйидагича:

1. У миллат, ёш, жой, ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган истеъмолчиларга эга бўлади.
2. Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараёнларнинг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустряянинг маҳсус йўналишини ўзиди намоён қиласди.
3. Оммавий маданият кишилар ҳаётини бефарқ кузатувчи тамошабинга айлантиради. Ўзлари ҳам мавжуд ҳаётни гўё сароб каби тасаввур қиласди.²

Матбуот ва телевидения соҳасида “Оммавий маданият” атамаси оммага ҳавола қилинаётган дастурлар туркумини ифодалаш учун ишлатилади³. Оммавий маданият – ижтимоий гурухлар, элат, ҳалқ, миллатларнинг кундалик ҳаётини ифодаловчи тушунчадир. Оммавий маданият, туб моҳиятига кўра миллий маданиятнинг кушандаси, у маданий хилмачилликни хушламайди, бу оламни бир ранг кўриш унинг асл мақсади. Бу хавфга биринчи президентимиз И.А.Каримов “Табиийки “Оммавий маданият” деганда инқилоб остида аҳлоқий бузгунчилик ва зўравончилик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш керак бўлса шунинг хисобидан бойлик орттириш, бошқа ҳалқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизига беписандлик, уларни қўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”. деб баҳо беради. Бугун жаҳон оммавий ахборот воситаларида глобаллашув атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, глобаллашув ўзи нима? Нима учун у ҳақида гапирилганда, ташвиш-у ҳадик, айни пайтда олқиши мактovлар бўлмоқда? Бу жараён инсон тарққиётининг янги босқичими ёки одамзот таназзулини бошланишими? Бу саволлар устида жаҳондаги турли соҳа етакчилари, зиёлилар кўпдан буён бош котириб келишмоқда. Глобаллашувни инсон камолотининг янги даври дея ардоқлаб, ёқлаётганлар ҳам бўлиб шу билан бирга, уни инсон руҳий-маънавий оламига путур етказаётганлиги ҳақида гапираётганлар ҳам талайгина. Ҳар икки гурух фикрида ҳам жон бор. Глобаллашувни тўла ёқлаб ёки бутунлай инкор этиб бўлмайди. Яъни, у салбий ва ижобий хусусиятларга эга. Глобаллашув XX асрда иқтисоднинг жадал ривожланиши натижасида юзага келди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши, маҳсулотларни экспорт қилиш, хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар учун янги бозор ва ҳудудлар топиш ҳамда харажатни камайтириб, фойдани ошириш каби омиллар ҳалқаро миқёсда умумий ва ягона қонунлар яратишни талаб этди. Натижада маълум бир давлатлар бир ташкилот таркибига бирлашди, маълум бир ҳудудлар учун бир хил амал қиласиган иқтисодий ва ҳатто, сиёсий қонунлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Илмда жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувини ўзиди ифодаловчи глобализм ва глобализация атамалари мавжуд. Бу икки сўз маънолари бир-бирига яқин бўлса-да, лекин улар икки хил феномени билдирувчи алоҳида атамалардир. Глобализм ҳалқаро ҳамжамият дўстлигини, бир-бирига боғлиқлигини ҳамда бутун жаҳон тинчлиги йўлида ягона эзгу мақсадлар атрофига бирлашишни ифодаласа, глобализация деганда, асосан моддий фойда кўриш мақсадида йирик трансмиллий корпорацияларнинг бутун дунёни иқтисодий жиҳатдан эгаллаши, ягона тизим ва қонунлар асосида ягона бозорни яратиш ва бу билан маънавий-ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиши тушунилади.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари кўп. У мамлакатда янги ишчи ўринларини яратиши, бакувват молиявий-иктисодий тизимни вужудга келтириши, мамлакатни сиёсий ва иқтисодий бўхронлардан асраши туфайли давлатга ҳамда ҳалққа фаровонлик келтиради. Бу тизимда ҳалқаро иқтисодий муносабатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозорнинг, мизож давлатларнинг иқтисодий ривожланишидан глобал кучлар ҳам манфаатдордир. Глобаллашган дунёда ривожланаётган давлатларга катта сармоя кириб келади. Янги технология, йирик саноат ускуналари, заводлар келтирилиб, ишчи кучи арzon


¹ Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. Шарқ, 2002. – Б. 52.

² Д.Ю.Столяров, В.В.Кортунов Культурология Государственная академия управления имени Серго Орджоникидзе, – М.:1998. – С 72-73.

бўлгани боис ривожланаётган давлатлар худудига ўрнатилади. Лекин тараққиёт, илм-фанда биз қанчалик прогрессни кузатсан, шу баробарида айрим ривожланган ҳамда уларнинг кучли таъсирига тушиб қолган мамлакатларда маънавий қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотиб боряпти. Чунки глобаллашув келтирган моддий фаровонлик асосан, факат танага роҳат беришга ҳизмат қилмоқда. Бугун тараққиёт сабабидан бизга келган енгилликлар ҳақида бир ўйлаб кўрайлик: компьютер технологиялари, масса-медиа, сунъий йўлдош бераётган имкониятлар, интернет¹ ва ҳоказо. Улар ёрдамида илгари кўп заҳмат ва вакт билан қилинадиган ишлар энди сонияларда бажарилмоқда. Аммо, айни пайтда, оддий авом ҳалқ (улар фойдаланувчиларнинг аксариятини ташкил қиласи) бу воситалардан факат кўнгилхушлик учун фойдаланмоқда. Масалан, интернетнинг ёшларга кўрсатаётган салбий таъсири ҳақида бугун жаҳон миқёсида ташвиш билан тилга олинмоқда. Маънавий ва хусусий даражада глобаллашув инсонни куруқ истеъмолчиға айлантириди: баҳт моддий фаровонлик билан белгиланади. Яшацдан мақсад максимал даражада ҳаётдан лаззатланишдангина иборат бўлади. Бу ерда руҳий-маънавий қадриятларга, эзгулик, савоб, бирорвга беғараз ёрдам кўрсатиш каби олий тушунчаларга ўрин йўқ. Инсонлар муносабатлари фойда ва зарар қонунлари асосида ишлайди. Ҳизмат кўрсатиш тизими кенг ривожланиб, кўнгилхушликнинг кўз кўриб, кулоқ эшифтмаган турлари юзага келади. Айниқса, аёлнинг инсон сифатида қадр-қиммати жуда тушиб кетади. ОАВ да кўз-кўз қилинадиган гўзал хонимларга инсон сифатида эмас, балки маҳсулот сифатида қарашади².

Оммавий маданиятнинг ижобий ва салбий жиҳатлари қандай даражада эканлигини эмпирик тадқиқотимиз натижаларига таяниб, қуидагиларни баён қилиш мумкин. Тадқиқот саволномаси 23 та саволдан иборат психолигик сўровнома шаклида бўлиб, вилоятимиздаги икки олий ўкув юрти – Бухоро тибиёт институти ва Бухоро давлат университети талабалари ҳамда Қоракўл тумани, Истиклол маҳалласида истикомат килувчи бир гурӯҳ фуқаролар ўтрасида ўтказилди. Унда жами 490 киши: 250 та БухДУ ва 150 та БухТИ талабалари ҳамда 90 та маҳалла фуқаролари иштирок этдилар. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий сўровномамизда турли хил дунёкарашга ва ҳаёт тарзига эга бўлган респондентлар катнашдилар. Шундан келиб чиқиб, сўровномамизнинг дастлабки саволини “Сизнинг Оммавий маданият ҳақида тасаввурингиз қандай?” шаклида кўйдик. Сўровномада қатнашган респондентларнинг

1. 51 % – ёшларнинг ота-она қарамоғидан ташқарида тарбия топишини намоён бўлиши;
2. 38,8 % – кишиларни эркин кийиниш тарзини билдиради;
3. 34,8 % – шахсий манфаатга асосланган мулоқат тарзидир;
4. 28,6 % – фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини акс эттиради;
5. 4,8 % - фаровон ҳаёт тарзини ифодалайди, - деб жавоб беришган.



¹ Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг сентябрь ойида дунё бўйича интернетдан фойдаланувчилар салкам 1 миллиард 734 миллион нафарга етган. Ваҳоланки, 2000-йилда глобал тармокдан 361 миллионга яқин одам фойдаланган.

² Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. - Тошкент. 2008. - № 38. - Б.12-16.



Шундан келиб чиқиб, респондентларимиз олдига навбатдаги саволни “Жамиятимиз оммавий маданиятдан нималарни олиши мумкин, деб ҳисоблайсиз?” тарзида қўйиб, унинг кетидан “Фарб таълим тизимидан-чи?” деган бандни илова қилди. Бу саволимизга респондентларнинг


1. 34,7 % - раҳбар шахслардан андиша қилиб ўтирасдан, эркин мулоқотга киришишни;

2. 32,6 % - ишбилармонликни;

3. 12,2 % - бинокорликдаги замонавий усулларни;

4. 10,2 % - ўз хоҳишига қараб эркин кийиниш тарзини, жавобини берган бўлсалар, келтирилган саволга қатнашувчиларнинг

Жамиятимиз оммавий маданиятдан нималарни олиши мумкин, деб ҳисоблайсиз?



1. 50 % – таълим даргоҳларининг ўз-ўзини моддий ва техник база билан таъминлаш дастурларини;

2. 40,8 % – замонавий таълим технологияларини;

3. 34,7 % – ақлий фикрлаш тажрибаларини;

4. 26,5 % – жамиятда педагог кадрлар хурматини жойига қўйишини;

5. 24,4 % - масофали ўқитиши усулини, деб жавоб беришган.

Фарб таълим тизимидан нималарни олиши мумкин?






Оммавий маданиятнинг бошқа жихати бўйича эса миллатимиз вакилларининг муносабатини билиш учун “Оммавий маданиятнинг салбий жиҳатлари деб қуидагиларни қайси бирини кўрсатасиз?” деган саволни бердик ва респондентларимизнинг

1. 64 % – никоҳсиз бирга яшаган ҳолда, эркак ва аёлни эркин муносабатда бўлиши;
2. 14 % – инсон ҳар нарса қилиш хукуқига эга ақидасига кишиларнинг ишониб қолиши;
3. 10 % – ёшларнинн катталар насиҳатига қулок солмаслиги ва диний қадриятларга монанд яшаш тарзи кишилар ёдидан чиқиб бораётганлиги деб жавоб беришган.

Оммавий маданиятнинг салбий жиҳатлари деб қуидагиларни қайси бирини кўрсатасиз?


- никоҳсиз бирга яшаган ҳолда, эркак ва аёлни эркин муносабатда бўлиши;
- инсон ҳар нарса қилиш хукуқига эга ақидасига кишиларнинг ишониб қолиши;
- ёшларнинн катталар насиҳатига қулок солмаслиги ва диний қадриятларга монанд яшаш тарзи кишилар ёдидан чиқиб бораётганлиги



Маълумотларга кўра, бугунги кунда оммавий маданиятнинг салбий жиҳатларига оид беҳаёл лавҳаларнинг намоён қилувчи телевизион дастурлар жаҳон медиа бозорининг $\frac{3}{4}$ қисмини эгаллар экан. Бунинг оқибатида дунёдаги кўплаб мамлакатлар аҳолиси учун европаликларнинг ҳаёт тарзи, овқатланиш одатлари, юриш ва кийиниш тарзи тақлид объектига айлануб бораётган экан. Шундан келиб чиқиб, навбатдаги саволда респондентларга “Сизнингча, оммавий маданиятнинг бизнинг жамиятига таъсири қай даражада?” деган савол билан мурожаат этдик ҳамда уларнинг

1. 59 % – кучли;
2. 37 % – ўртача, деган жавобни беришди.


Сизнингча, оммавий маданиятнинг бизнинг жамиятига таъсири қай даражада?



Бу саволнинг мантиқий давоми сифатида қатнашувчиларнинг олдига “Сизнингча, оммавий маданиятнинг элементларининг қадриятларимизга сингиб кетиши қандай оқибатларга олиб келади?”, деган саволни қўйдик ҳамда уларнинг



1. 63 % – телевидение ва миллий киноларимизда беҳаё лавҳалар илдиз отади;
2. 44,9 % – ота-она ва фарзанд ўртасидаги ҳаё кўтарилиди;
3. 42,9 % – ўзбек оиласи барқарорлигига жиддий путур етади;
4. 32,6 % -эркак ва аёл ўртасида уят бўлмайди, деб жавоб беришган.



Навбатдаги саволда қатнашувчиларимизнинг бундай ҳолатлар атрофимиздаги кишилар орасида куртак ёзмоқда ёки акси эканлиги борасида фикрларини билишга қизиқдик ва уларнинг 90 % дан “ҳа” жавобини олганимиздан сўнг, уларга бундай маънавиятсизликка ёшларимизнинг йўлиқиши сабаби сифатида нималарни кўрсатишлари ҳақидаги фикрларини билишга қизиқдик ҳамда уларнинг

1. 49 % – бошқа маданият вакилларининг керагидан ортиқ даражада эркинликка эга эканлигидан илхомланиш;

2. 47 % – эстрада хонандаларнинг маъноси йўқ қўшиқларга ҳаётдан йироқ бўлган клипларни олиб, телевидениеда намойиш қилишлари;

3. 31 % – катталарнинг ёшларни қатъий тартиб-интизомга чақирмаслиги ва ўқув дароҳларини том маънода тарбия ўчогига айланмаганлиги;

4. 14,2 % – болалар ва катталар ўртасида самимий мулоқотнинг йўқлиги деб жавоб беришди.

Сир эмаски, бугунги кунда оммавий маданиятнинг таъсирини кишиларнинг кийиниш тарзида яққол кузатиш мумкин. Шунга кўра, респондентларимизга “Сиз кийиниш борасидаги услугубингизни нимага қараб белгилайсиз?”, деган савол билан мурожаат этдик ҳамда уларнинг

1. 73,4 % – ҳеч кимга тақлид қилмайман, ҳар бир фаслга монанд келадиган рангдаги либос кийишга эътибор қаратаман (бу кўрсаткични тадқиқот объектларига нисбатан таксимлаб чиқилганда, БухДУдан қатнашган талабаларнинг 32,7 %, БухТИ дан қатнашган талабаларнинг 80 % ва маҳалладан қатнашган иштирокчиларнинг 89 % шу жавобни белгилаганлари маълум бўлди);

2. 38,8 % – эътиқодим талаб қилган кўринишда (БухДУ – 40 %, БухТИ – 20 %, маҳалла - 66,7 %);

3. 12,2 % – миллий қадриятларимизга мос равища;


4. 4 % – хорижий сериал ва фильмлардаги бош қаҳрамонларнинг кийиниш тарзига қараб;

5. 2 % – эстрадамиз хонандаларининг кийиниш услубига қараб ва чет эл эстрадасидаги хонандаларнинг кийиниш тарзига қараб, деб жавоб беришди.



Сиз кийиниш борасидаги услугингизни нимага қараб белгилайсиз?

- ҳеч кимга тақлид килмайман, ҳар бир фаслга монанд келадиган рангдаги либос кийишга эътибор каратаман
- эътиқодим талаб қилган кўринишда
- миллий қадриятларимизга мос равиша
- хорижий сериал ва фильмлардаги бош қаҳрамонларнинг кийиниш тарзига қараб
- эстрадамиз хонандаларининг кийиниш услугига қараб



Навбатдаги саволни “Сизнингча, жамиятимизда ахлоққа мос ва ахлоққа зид кийиниш тарзи мавжудми?” тарзida туздик. Респондентларнинг аксарияти “ҳа” жавобини беришгач, уларнинг “Ахлоққа зид кийиниш тарзи, деб нимани баҳолайсиз?”, деган саволга муносабатларини билишга қизиқдик ҳамда сўровномада иштирок этганларнинг

1. 38,8 % – эркак ва аёл аъзоларининг ҳаддан ташқари очик кўрсатадиган кийинишни;
2. 30,6 % – миллий ва диний қадриятларимизга тўғри келмайдиган ҳар қандай кийиниш тарзини;
3. 20 % – аёлни эркакка, эркакни аёлга ўхшатиб қўядиган кийинишни;
4. 8 % – эркакни тор, аёлнинг калта кийинишини, деб жавоб берганлар.

Ахлоққа зид кийиниш тарзи, деб нимани баҳолайсиз?




Инсон ҳаёти давомида бирор шахсни ўзига ўрнак деб билади, бундан инсон у каби ҳаёт кечиришни, у эришган ютуқлар каби муваффақиятларга эришни, юксак чўққиларга чиқиши кўзлайди. Бугун жамиятимиз аъзолари ўз ҳаётлари учун бошқа маданият вакилларининг фикрлаш ва ҳаёт тарзини ўрнак қилиб олишлари бაзги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам тадқиқотимиздан кўзланган мақсадга эришиш йўлида “Ҳаётингизнинг турли соҳаларидағи фаолиятингизда кимларни ўзингизга ибрат, деб биласиз?”, деган саволни респондентларимизга бердик ва уларнинг

1. 49 % – ота-онамни;
2. 30,6 % – эътиқодли кишиларни;
3. 14,3 % – таниқли санъаткорларни;
4. 4 % – спортчилар ва ҳеч кимни, дея фикр билдиришди.



Хаётингизнинг турли соҳаларидағи фаолиятингизда кимларни ўзингизга ибрат, деб биласиз?



Олиб борилган ижтимоий сўровнома таҳлилларини мумлаштириш шуни кўрсатадики, сўровда иштирок этган респондентларимиз оммавий маданиятнинг жамиятимизга таъсирини кучли, деб баҳоладилар. Аммо, бунда иштирок этганларнинг ижтимоий мавқеи зиёли ҳамда дунёвийлик билан бир қаторда диний дунёқарашга эга эканлигини хисобга олсан, жамиятимизга оммавий маданиятнинг таъсири қандай даражадалигини тўлиқ очиб бердик, дейишдан йироқмиз. Тарихий манбаларда аждодларимизнинг битмас-туганмас маънавий мероси ва тарихий анъаналари асрлар давомида сақлаб келингандиги ўз ифодасини топган. Миллатимизнинг асрий анънана ва урф-одатлари, миллий хусусиятларимизни билмасдан, хисобга олмасдан туриб, миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас. Жамият ҳаётида тутувлик ва ижтимоий тарбияни ташкил қилишда маҳалланинг аҳамияти бекиёсdir. Табиат қийинчиликларини, ташки хавф-хатарларни биргаликда енгиш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этишда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елқадош бўлишга интилиш туйғуси ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар маҳаллаларда шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган. Маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби деб аташ мумкин. Ҳеч бир авлод ҳозигача яратилган ва тўпланиб келинган маданий меросларсиз, билим ва анъаналарсиз яшай олмайди. Маълум бир жамиятда яшар экан у, аждодлар томонидан тўпланган меросларни ҳаётининг биринчи куниданоқ ўзлаштириб боради. Шунинг учун ҳам ҳалқ ҳаётига сингиб кетган урф-одат ва анъаналарни ҳеч қандай йўл билан йўқотиб бўлмайди. Лекин маданий меросимизни ўрганишда илғор урф-одат ва анъаналарни эски анъаналардан фарқлашда баъзан нотўғри ёндошишлар ҳам бўлганлигини таъкидлаш керак. Урф-одат ва анъаналар ҳар бир ҳалқка доимий берилган ҳамда ҳеч ўзгармайдиган нарса эмас, ҳаёт уларни ғалвирдан ўтказиб, пучагини пучакка, сарасини саракка ажратиб беради. Янги даврга мослаша олгани сақланиб колади. Шу билан бирга ҳар бир давр ўзининг удум ва маросимларини, урф-одат ва анъаналарини яратади. Янги вужудга келаётган урф-одатлар ўз-ўзидан, қуруқ ерда пайдо бўлмасдан, асосан икки манба - биринчиси, илгари мавжуд бўлган илғор анъаналар замон руҳига мослаштирилади, иккинчиси, бошқа ҳалқлар билан бўладиган иқтисодий, маънавий алоқалар натижасида улардаги илғор анъаналар ўзлаштирилади. Буюк мутафаккирларимиз қайси замонда яшамасин, қайси тилда асар битмасин, ўз элини, унинг қадриялари, урф-одатларини унутмаганлар, доимо миллатни, миллий ўзликни улуғлаганлар. Мустақиллик туфайли ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш шахснинг миллийлигига бевосита алоқадор бўлган фазилатларни сингдириш тамойилидан келиб чиқиб белгиланади. Меросимиз дурдоналаридан келажак авлод тарбиясида фойдаланиш, уларни ёшлар ҳаётига тадбиқ қилиш орқали болаларда давр талаби асосида аҳлоқий, эстетик, меҳнат ва жисмоний фазилатларини такомиллаштириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар онгида маданиятлараро тафовутлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари хақидаги тасаввурларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан олиб борган тадқиқотмизда турли миллий этник хусусиятлар ва улар



ўртасидаги тафовутларни илмий амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, тўпланган маълумотлар хулосаларига таяниб ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш жараёнида улар онгига сингдирилса катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
6. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. - Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 356 б.
7. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 287 б.
8. Примова Ф. Оиласи ғарбий муносабатларда миллий ва диний қадриятларни тутган ўрни. - Тошкент: Маънавият, 1999. – 367 б.
9. Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. - Тошкент: Янги авлод, 2007. – 190 б.
10. Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 400 б.
11. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки. –Тошкент: Шарқ, 2008. – 606 б.
12. Энтони Гидденс. Социология. –Тошкент: Шарқ, 2002. – 847 б.
13. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3,8-жилд. –Тошкент: ЎзМЭ, 2006.
14. Шоумаров Ф.Б. Оила психологияси. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 380 б.
15. Юнусов А. Фарзанд тарбияси, ахлоқ ва оила муносабатлари. – Тошкент: Янги авлод, 2002. – 57 б.
16. Баходир Зокир. Ғарб инқирози // Тафаккур журнали. – Тошкент. – 2007.
17. Фахриддин Низом. Манфаат ва холислик // Тафаккур журнали. – Тошкент. 2009. - № 3. – 32 б.
18. Мамадиев Б. “Оммавий маданият” – маънавият күшандаси // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 4. – 16 б.
19. Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 32. - 16 б.
20. Мамадиев Б. Ҳиндистон ёшлари: кеча ва бугун // Маърифат. –Тошкент. 2008. - № 20. – 16 б.
21. <http://www.wikipedia.org>
22. [http:// www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)



Мехлиев Муродилла Ҳасанович,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тадқиқотчisi

**КУРСАНТЛАРНИ ЁШ ЖАНГЧИ КУРСИДА МОСЛАШУВИ ВА
ПСИХОЛОГИК КУЗАТИБ БОРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

Аннотация: Мақолада олий ҳарбий ўқув юртларидағи ёш жангчи курсида курсантларни мослашуви ва психологик кузатиб боришни ташкиллаштириши ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, мақолада ҳарбий ўқув жараёнининг ўзига хослиги, руҳий-асабий барқарорлик ва когнитив жараёнлар ўртасидаги психологик боғлиқлик масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: курсант, ёш жангчи курси, психологик кузатиб бориши, мослашув, руҳий-асаб барқарорлик, хавф гуруҳи.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы адаптации и организации психологического сопровождения курсантов на курсе молодого бойца в военных вузах. В